

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ**  
**ВАЗИРЛИГИ**  
**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Педагогика факультети**

**Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси**  
**кафедраси ўқитувчиси**

**Ҳ.Солиевнинг**

**“Тасвирий фаолият машғулоти орали болаларни ўқув-  
билиш жараёнига тайёрлашнинг ўзига хослиги”**

**мавзудаги**

**ИЛМИЙ МАҚОЛАСИ**

**Наманган-2017**

## **ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ МАШҒУЛОТЛАРИ ОРҚАЛИ БОЛАЛАРНИ ЎҚУВ-БИЛИШ ЖАРАЁНИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.**

*Солиев Х. НамДУ*

Мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолият машғулоти болаларнинг мактабда ўқишга тайёрлашда муҳим вазифаларни бажариш имконига эгадир. Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури - расм чизиш, лой билан ишлаш, аппликация машғулотида болаларнинг сенсор қобилиятлари жадал ривожланади, атроф-муҳитни идрок қилиш ва тасвирий ифодалаш кўникма ва малакалари шаклланиб боради.

Расм чизиш – предмет ва ҳодисаларни графика-рассомлик усулида тасвирлаш бўлиб, унинг асоси колорит, шакл ва композициядан иборатдир. Предметни кузатиш орқали болалар расмда унинг характерли хусусиятларини ифодалайдилар. Расм чизиш техникасининг бошланғич кўникма ва малакаларини аста-секин эгаллаб, нақшнинг баъзи элементларини ўзлаштирадидилар.

Лой ва пластилиндан нарсалар яшаш – предметлар, турли шакллар, ҳайвонлар, қушлар, одамларни пластик тасвирлаш усули саналади. Ишлатиладиган материал исталга нарсани яшаш учун персонажларнинг кийёфси, ҳолати, ҳаракатини ўзгартириш имконини беради.

Аппликация – тасвирий фаолиятнинг декоратив-силуэт усули бўлиб, унда қоғоздан турли силуэтлар, безаклар, шакллар қирқиш, уларни рангли фонга ёпиштириш ҳаракатлари бажарилади. Бунда болада кўл қўлларининг ҳаракатини координация қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш юзага келади, қоғоз, қайчи, елим билан ишлаш орқали техник малакалар эгалланади.

Тасвирий фаолият машғулотида ўқув фаолиятида зарур бўладиган кўникма ва малакалар таркиб топиб боради. Бундай кўникма ва малакаларга: топшириқни англаб етиш, ёдда тутиш ва кўриб турган объектни идрок қилиш ва тасвирлаш, бошлаган ишини охирига етказиш, йўл қўйган хатоларини топиш ва тузатиш, иш қуролларидан тўғри фойдаланиш ҳамда иш жойини тартибли сақлаш кабиларни киритиш мумкин.

Машғулотда бажариладиган амалий ишлар сирасига натурага қараб расм чизиш ҳам киради. Расм чизиш жараёнида болаларнинг кўриш хотираси ривожланади, энг кичик элементларни ҳам илғашга ўрганади. Қалам ва мўйқаламдан тўғри фойдаланиш малакалари шаклланади. Бу малакаларни эгаллаш болаларда кўл ҳаракатларини йўналтириш, турли шаклдаги, катталиқдаги, турли пропорциядаги предметларни чизиш жараёнида улардаги барча элементларни эътиборга олишни назарда тутди.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида болаларнинг кўл ҳаракатлари натурадаги анчагина мураккаб элементларни ҳам тасвирлашга ўрганадилар. Бу ҳолат болаларнинг тафаккури, идроки, тасаввур ва диққатининг фаол ҳаракати билан боғлиқдир.

Самарали фаолият сифатида расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар яшаш, аппликация машғулотида сезги ва идрокнинг ривожланиши учун қулай шароит яратишга қолмай, болаларда шаклни,

рангни, жойни билиш кўникмаларини эгаллаб олишга ҳам қизиқиш ҳамда эҳтиёжларни пайдо қилади. Бирор предметнинг расмини чизишдан аввал унинг шаклини қисмларга ажратиш, бирор геометрик шаклларга ўхшашлик томонини аниқлаш зарур.

Тасвирий санъат машғулотида тарбиячи болаларни текшириш усулларига ўргатади. Дастлаб болалар олдида мақсад қўйилади: предметнинг расмини чизиш учун унинг қандай қисмлардан тузилганлигини аниқлаб олиш керак: масалан, уйча расмини чизиш учун намунани таҳлил қилиш лозим. Сўнгра тарбиячи текширишнинг асосий босқичлари билан таништиради.

Расм чизишга, қуриш-ясашга ўргатишда текшириш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- предметнинг яхлит қиёфасини идрок қилиш;
- унинг айрим қисмларини ажратиб олиш ва уларнинг хоссаларини (шакли, катта-кичиклиги ва бошқаларни) аниқлаш;
- қисмларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий муносабатини (ўнгда, чапда, юқорида, пастда...) аниқлаш;
- предметнинг майда қисмларини ажратиб олиш ва уларнинг асосий қисмларга нисбатан қандай жойлашганлигини аниқлаш;
- предметларни қайтадан идрок қилиш.

Кичик гуруҳларда расм чизишга ўргатишда аввало асосий эътибор қўл ҳаракатларининг уйғунлигига қаратилади, чунки қаламни ўнг қўлда тўғри ушлашга ўргатиш бола учун мураккаб иш ҳисобланади. Тарбиячи болага қаламни бериб, қоғозга чизишни, қалам ҳаракатининг йўналишини аста-секин ўзгартириб турли шаклдаги “пуфаклар”, “йўлкалар”, “доиралар” ва шу кабиларни чизишга ўргатади.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида болаларнинг ўз ишларини вақт жиҳатдан тақсимлай билиши, дарҳол ишга киришиши, уни керакли суръатда бажариши ва ўз вақтида тугаллаши муҳимдир. Кичик гуруҳларда у ёки бу фаолият учун керакли суръатга одатланмаган болаларни тарбиячи шошилтиришга мажбур бўлади, шошилиб бажариш асносида ишнинг сифати пасаяди.

Тайёрлов гуруҳларида болаларда мустақилликни таркиб топтириш ишлари тасвирий фаолият машғулотида жавом эттирилади. Мустақиллик тасвирий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг борлиги, бу фаолиятга, уни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган шароитларга, олинган натижаларга онгли муносабат билан характерланади.

Мактабгача ёшда мустақилликнинг ривожланиши боланинг мактабда муваффақиятли ўқиши учун асос бўлади.

Мустақилликнинг ривожланиши фаолият мотивларининг мураккаблашуви билан узвий боғланган. Тайёрлов гуруҳида фаолият мотиви, масалан, бола расмини тарбиячи ўргатганидек, яхшилаб чизишнигина эмас, балки юқори баҳо олишни, вазифани тўғри бажараётганлигига ишонч ҳосил қилишни исташида намоён бўлади.